

**ХУРШИД ДЎСТМУҲАММАДНИНГ “ҚАЗО БЎЛГАН НАМОЗ”  
ҲИКОЯСИДА ДАВР ВА ШАХС ТАЛҚИНИ****М.Ҳамраева**

ф.ф.н., доц. Термиз ДУ.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15495170>

**Аннотация.** Уибу мақола ўзбек адабиётида “Ҳовли этагидаги уй”, “Паноҳ”, “Оромкурси”, “Сўроқ”, “Соф ўзбекча қотиллик”, “Маҳзуна”, “Ибн Муганний”, “Ёлғизим-Сиз”, “Кўз қорачигидаги уй”, “Жажман” каби асарлари, “Ҳижроним мингдир менинг” қисса ва ҳикоялар тўплами, “Бозор” романни, “Ҳамид Аъламовнинг айттолмаган гаплари” хотира-эссеси ва “Журналист бўлмоқчимисиз?” рисоласи, “Чаёнгул” киносценарийси, А.Рюноскенинг “Расёмон дарвозаси” ҳикоясини, Т. Пўлатовнинг «Етти ҳузур-ҳаловат ва қирқ қайгу-алам» романини ўзбек тилига таржима қилган Ўзбекистон Ёзувчилар уюшимаси аъзоси, серқирра адаб, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, “Дўстлик” ордени соҳиби, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати, филология фанлари доктори Хуришид Дўстмуҳаммаднинг “Қазо бўлган намоз” ҳикоясида давр ва шахс талқини масаласи таҳлилига багишиланган. Ёзувчи ижодида тарихий мавзу асосий мавзулардан бири ҳисобланаб, уибу ҳикояда Андижонлик машҳур Миркомил Мирмўминбоев ҳамда 60 ёшини қаршилааб,adolatcizlik қурбони бўлган Тўхтабой Олимжонбоев яшаган давр ва муҳитнинг инсон тақдирига нечоғлик таъсир қилганини адаб ёрқин рангларда чизиб берган. Ёзувчининг ўша даврдаги тарихий шароит ва адабий қаҳрамон тасвирини ёрита олишдаги ўзига хос бўлган жиҳатлар ҳам ўрганилди. Адибнинг ҳаёти давомида ҳалқини маърифатли, илмили қилиши ишқида ёнган жадид боболаримизнинг муносаб издоши бўлган маърифатли бойларнинг ҳаётини тасвирлашда давр ва қаҳрамон масаласига ургу бершии, ёзувчининг китобхон кўнглига янада яқин бўлишилиги учун Андижон шевасини чуқур ўргангани билан боғлиқ масалалар ҳам таҳлил жараённида ёритилади. Асарда тарихий воқеаларнинг фонида даврнинг даҳшатли манзаралари сиздириб берилади. Бу борада тарихий шахс образидан фойдаланиши, қаҳрамоннинг руҳияти, асарнинг ишонтириши қуввати кучлилиги, ўзига хос таассурот уйғотиши каби масалалар таҳлилга тортилгани билан аҳамиятилидир.

**Калим сўзлар:** Извоши, элликбоши, Ёқубхўжса, қози, зарбоф тўн, Убайдулла жунфуруши, Майлисой, закот, фарз, эррайма бойлар ва бошқалар.

**Аннотация.** Данная статья посвящена анализу трактовки эпохи и личности в рассказе «Пропущенный намаз» члена Союза писателей Узбекистана, заслуженного работника культуры Республики Узбекистан, кавалера ордена «Дружбы», депутата Законодательной палаты Олий Мажлиса Республики Узбекистан, доктора филологических наук Хуришида Дустмухаммада — разностороннего писателя, переведшего на узбекский язык такие произведения, как рассказ Рюноскэ Акутагавы «У ворот Рашиомон» и роман Т. Пулатова «Семь утех и сорок печалей», а также автора произведений: «Дом у края двора», «Убежище», «Кресло отдыха», «Допрос», «Настоящее узбекское убийство», «Маҳзуна», «Ибн Муганний», «Одинок — ты», «Дом в зрачке», «Джаджман», сборника рассказов «Моя разлука — тысяча», романа «Базар», мемуарно-эссеистического произведения «Невысказанные слова Хамида Аъламова», методического пособия «Хотите стать журналистом?», киносценария «Чаёнгул».

Историческая тематика занимает одно из центральных мест в творчестве писателя. В рассматриваемом рассказе раскрывается, насколько эпоха и социальная среда влияли на судьбы таких личностей, как знаменитый миркомил Мирмуминбаев из Андижана и Тухтабой Олимжонбаев, ставший жертвой несправедливости на шестом десятке жизни.

Особое внимание уделено индивидуальным особенностям писателя в изображении исторических условий той эпохи и создании литературных героев. Освещается также использование андижанского диалекта, изучение которого способствует приближению к читателю, и акцент на жизни просвещённых купцов — достойных продолжателей дела джадидов, мечтавших об образованном народе.

На фоне исторических событий в рассказе переданы ужасающие картины эпохи.

Использование образов исторических личностей, глубокое раскрытие психологии героев, высокая убедительность повествования и его эмоциональное воздействие придают работе особую значимость.

**Ключевые слова:** извоз, элликбоши, Якубходжа, казий, золототканый халат, Убайдулла — торговец сукном, Майлисой, закят, фарз, купцы Эррайма и др.

**Abstract.** This article analyzes the interpretation of time and character in the short story “The Missed Prayer” by Khurshid Dustmuhammad — a multifaceted Uzbek writer, member of the Writers’ Union of Uzbekistan, Honored Cultural Worker of the Republic of Uzbekistan, recipient of the “Friendship” Order, Member of the Legislative Chamber of the Oliy Majlis, and Doctor of Philological Sciences. The writer is also the translator of Ryunosuke Akutagawa’s “Rashomon Gate” and T. Pulatov’s “Seven Joys and Forty Sorrows” into Uzbek, and the author of works such as “The House at the Yard’s Edge”, “Refuge”, “Recliner Chair”, “Interrogation”, “A Purely Uzbek Murder”, “Mahzuna”, “Ibn Muganniy”, “Alone-You”, “The House in the Pupil of the Eye”, “Jajman”, the collection “My Separation Is a Thousand”, the novel “Bazaar”, the memoir essay “Unspoken Words of Hamid A’lamov”, the guidebook “Do You Want to Become a Journalist?”, and the screenplay “Chayongul.”

The historical theme is a central focus in Dustmuhammad’s literary oeuvre. This story vividly portrays how the era and its sociopolitical context influenced the lives of notable individuals such as Mirkomil Mirmuminboev of Andijan and Tukhtaboy Olimjonboev, who became a victim of injustice at the age of sixty.

The study highlights the author’s unique narrative techniques in depicting the historical background and literary characters. It also explores his use of the Andijan dialect, which brings the narrative closer to the reader, and his attention to portraying the lives of enlightened merchants — worthy successors of the jadid intellectual movement, who devoted their lives to enlightening the nation.

Amid historical events, the story conveys the haunting atmosphere of the era. Its effective use of historical figures, psychological depth of characters, persuasive narrative power, and emotional resonance make it especially significant.

**Keywords:** izvosh (carriage), ellikkoshi (district leader), Yakubkhoja, qazi (Islamic judge), brocade robe, Ubaydulla the cloth merchant, Maylisoy, zakat, farz, Erraima merchants, and others.

Янги ўзбек шеъриятининг таъмал тошини қўйган буюк шоирларимиздан бири Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпоннинг “Хеч тўхтамасдан ҳаракат қилиб турғон

вужудимизга, танимизга сув-ҳаво не қадар зарур бўлса, майшат йўлида ҳар хил қора кирлар ила кирланган руҳимиз учун ҳам шул қадар адабиёт керақдир. Адабиёт яшасамиллат яшар” [А.Чўлпон. Адабиёт надур(Адабий-танқидий мақолалар, Чўлпон ҳақида хотиралар).-Тошкент:-Чўлпон нашриёти, 1994 йил, 6-Бет] деган фикрини Хуршид Дўстмуҳаммад ижодига нисбатан ишлатсак, ўринли бўлади деб ўйлайман. Адаб асарларини ўқир экансиз, сўз санъати бўлган адабиётнинг бетакрор кучини ҳис қиласиз.

Ижодкор ҳалқ қалбига янада яқин бўлиш учун ўша давр тилини чукур ўргангани, давр руҳиятини очиш учун тарихий шахсларнинг сийратини тасвирлашда Андижон шевасидан фойдалангани воқеаларнинг ишонтириш қувватини янада оширганига гувоҳ бўласиз.

Аслида адолатсиз жамиятнинг қурбони бўлган икки тарихий шахс ҳаётини ёритишига интилган ёзувчининг “Қазо бўлган намоз” номли тарихдан дарак берувчи ҳикоялар тўплами 1996 йил Тошкент шаҳридаги Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида чоп этилган. Асарнинг “Истиқлол: янги давр, янги қаҳрамон” номли кўрик-танлов совринини олгани ҳам эътиборга моликдир.

Асар ўша вактда машҳур жадид боболарининг издоши бўлган маърифатли бой, 58 ёшда бўлган Андижонлик Миркомил Мирмўминбоев ҳамда Тошкентлик 60 ёшда бўлган Тўхтабой Олимжонбоевларга бағишлиланган. Адаб асарда қалбини сўнгсиз оғриқлар билан азоблаган бу икки машҳур зотнинг ўз ажали билан ўлмаганига урғу беради. Дастрлаб асарни ўқир экансиз, Андижонга нисбат бериб ифода этилган, мумтоз адабиётимизнинг устунларидан бири бўлган Захириддин Муҳаммад Бобур томонидан таъриф этилган “Анда жоним қолди” [Uztext.uz Sherali Jo’rayev/Anda Jonim qoldi mening matni. 29 dekabr. 2023 yil] деган ибораларнинг қалбга бежизга яқин эмаслигига гувоҳ бўласиз.

Биз анча йиллар адабиётимизда тарихий шахсларимиз, юртнинг эртаси учун курашганлар, миллатнинг асл фидоийлари бўлган жадидлар ҳакидаги ҳақиқатни ўрганмадик. Минг шукурки, жаннатмонанд юртимизга тенгсиз тухфадек эҳсон этилган муқаддас истиқлол боис, тарихимизни ўргандик. Фидоий фарзандлар фаолиятини тарғиб қилишни бошладик. Халқимизни илм-маърифатга ундаган, уларнинг онгини уйғотишига ҳаракат қилган жадидлар фаолиятини ўрганиш асносида уларга муносиб бўлишган, халқни илм-маърифатга чорлаган маърифатли машҳур Андижон бойлари Миркомилбой ҳамда Тўхтабойнинг сиймоси кўз ўнгингизда намоён бўлади. Айниқса, Миркомилбой тимсолини чизиб беришда адабнинг ижодининг ва ҳаётининг ҳам бош шоири ҳалоллик эканига амин бўласиз. Шу ўринда ўзбек мумтоз адабиётининг устунларидан бири, Захириддин Муҳаммад Бобурнинг “Ҳаётининг ҳам, ижодининг ҳам бош шиори яхшилик эканлиги” [маърузадан] беихтиёр ёдга тушади. Бошқача айтганда, таникли адаб Хуршид Дўстмуҳаммаднинг ижодида ҳалоллик призмаси асосий принцип сифатида кўринади. Қуйидаги ўринларда адабнинг Андижон шевасидан унумли фойдалангани асар ютуғини таъминлаган омиллардан бири ҳисобланади десак муболага бўлмайди: “...Ёқубхўжа эса бойнинг жаҳли чиққанига яраша босиқлик билан бўлса-да, ўпкалади:

“-Аши, бир қоп қўсакни куппа-кундузи ўмариди чиқишига нима мажбур қилганини суриштирмадингизку....Жўжабирдай жондир, ҳойнахой....” [Хуршид Дўстмуҳаммад Миркомилбойнинг қазо бўлган намози Ziyoruz.uz, 2012 йил, 10 июль] Воқеалар жараёнида Миркомилбойнинг характеристи очилади, унинг тўғрисўзлиги, ҳалол инсонлиги лаҳзада кўз олдингизда намоён бўлади : “-Бу ишларинг дуруст эмас...Бир оғиз ризолигим эвазига ҳадя

келтирибсизларми, ундан чиқди, ризолик бермаган тақдиримда ортимдан тош отар экансиз-да?!...” [Юқоридаги асар., 2012 йил, 10 июль].

Айниқса, шу ўринда Миркомилбойнинг “Хушомадни бандага эмас, Худога қилинглар!” [Ўша асар, 2012 йил, 10 июль]деган сўзи эътиборни тортади. Характерида ҳалоллик принципи баланд бўлган маърифатли бойнинг ушбу жавоби ҳам кишини бир лаҳза бўлсада, ўйлашга мажбур қиласди. Адибнинг ёзмишлари инсон ҳар сония ва ҳар онда поклик қўшигини кўйлаган, тоза виждан соҳиби, элдошларини илм ва маърифатга чорлаган жадид боболари каби бўлишликни китобхон характерига сингдиради. Қолаверса, бугунги кунда мамлакатимиздаги ҳар соҳанинг ривожи учун ғов ва тўсиқ бўладиган коррупция балосига қарши курашда ушбу асар муҳим дастур-ул амал бўлиб хизмат қилиши табиий ҳол деб ўйлаймиз. Асарда Миркомилбой машҳур маърифатли бой бўлгани билан унинг ўзига нисбатан айтилган сўзларга эътибор қилмади, ҳаттоки, Андижонга машҳур фарангি бойнинг заводини кўчириб келтирмоқчиман Ашининг маслаҳатига бораман деб айтганди.

Шу ниятини айтди-ю, бироқ уни кўролмаган ғанимлар ёки бошқа шаҳардагилар эмас, ўзининг ўзбеклари эканини жуда ҳам кеч тушуниб олди.

Характеридаги уддабуронлик хислатларини сингдириб берган адиб Миркомилбойнинг унинг ўзини кўра олмаганлар ўз ютидаги яқинлари эканини англацди.

Асарни ўқир экансиз, ёзувчининг тарихий ҳақиқатга риоя қилганини воқеаларни бадиийлик фонига асосланган ҳолда тасвирлаганига шоҳид бўласиз. Воқеалар жараёнида Миркомилбойнинг ҳарбий ҳоким билан учрашуви бевосита элнинг фидойи фарзандлари бўлган жадидларнинг қора кунларини ёдга солиб юборди. Жадидларга қўшиб, ҳудудлардан ким кўп одам берса, ўша ҳудуд раҳбарларига мукофотлар беришганини, бегуноҳ одамларни эса, қатл этганларнинг ҳалқимиз бошига солган мислсиз азобли кунларини ёдга олдик. Истиқлол, озодлик, эрк учун ёниб яшаган боболаримиз нима кунларни кўрмади дейсиз? Қуйида ҳарбий ҳоким билан бўлган Миркомилбойнинг сухбатида ҳам юрагида ҳақиқий Ватан туйғуси учун ёниб яшаган асл фарзанднинг киёфасини кўргандек бўласиз: “- Анжандан қанча мардикор оласиз?-сўради гапни чўзмай.

-Нима эди? -ўсмоқчилади муовин. -Барининг ҳақини тўлаймиз! Бизнинг йигитлар Рассини ўрмонларида жон сақлаб яшолмайди. Совуқ!...

Муовиннинг ранги гезарди.

-Ў-ў!...Давлатингиз шунчалик зиёдами?...-деб юборди энтикиб.

-Борини бераман....Тўлаймиз, лекин биронта фарзандимизни жўнатмаймиз!...” [Юқоридаги асар, 2012 йил, 10 июль]. Миркомил Мўминбоев машҳур бой бўлсада, юрагида Ватанини тутган, уни кўтариб юрган, чаманзорга буркашни истаган Андижон фарзанди эди. У Анвар пошшо билан сухбат чоғида “...Миркомил гўё Анвар пошшонинг таклифига розилик бергандек бўлди-ю, ичida нимадир узилиб кетди, қўл-оёғидан мадор қочди. -Жужуқларни, наслларни кўчириб келармиз, пошшо ҳазратлари,-деди Миркомил қаҳратонда қолган одамдай совуққотиб.- Лекин ватанини қандай олиб келамиз?.. Ватанни кўчириб бўлмайди-ку!..” [Ўша асар, 2012 йил, 10 июль]. Ушбу сўздан сўнг Ватан ҳақида бошқаси ортиқча.Юрақда чексиз меҳр, Ватанга бўлган эътиқод уни асрашдек энг олий туйгулар бой характерида бўй кўрсатган.Асар сўнгтида икки ракаат намозни ўқигунча, тинимсиз ёғилган ўқлар ёмғири остида Аллоҳнинг буюклигига имон келтирган мард инсон образи китобхон кўз ўнгидаги гавдаланади ва у ҳалок бўлади. Ҳикоянинг кейинги кисми “Тўхтабойнинг бойликлари” ҳикояси билан давом эттирилган.

Воқеалар призмасида Тўхтабойнинг Миркомилбой билан боғлиқ фаолият жараёнлари ҳам кўрсатилган.

Айниқса, Тўхтабойнинг Миркомилбой исмининг иккинчи қисми билан ўғлининг номини аташи Миркомилбойга бўлган ички хурматдан нишонадир. Бироқ, 1937 йил қатағонининг шамоли эса бошлаган дамларда ҳатто ўз уйига киришига имкон бермаган бу жамият миллатнинг фидоийларини оғир азобли дақиқаларни бошидан ўтказишини хаёлига ҳам келтира олмаган Тўхтабойнинг ҳаёти ҳам фожиали якун топади. Тўхтабой ҳам, Миркомил ҳам илмни севган, қадрлайдиган инсонлар бўлишганини бевосита воқеалар тизмасида кўришимиз мумкин. Жадид адабиётининг етук намояндаси Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг “Падаркуш” асаридаги бой образи билан бевосита асардаги бойларни солиштиrsак, уларнинг фарзандлари илмни яхши кўришади, ўқишиди, илм ўрганиш учун борини беришга интилади. Лек, “Падаркуш”даги Тошмурод эса илмсизлиги оқибатида ўз отасининг ўлимига сабабчи бўлиб қолади.

Умуман олганда, Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Қазо бўлган намоз” ҳикоясида даврнинг даҳшатлари Миркомилбой, Тўхтабой образига сингдирилган ҳолатда тасвирланади. Адид ушбу ҳикоя орқали тарихий ҳақиқатни тўғри гавдалантирган.

Тасвирдаги рамзийлик, тарихий шахс ҳаётининг маълум бир қирраларидан тўғри хулоса чиқаришга ундаса, давр даҳшатларини чуқурроқ ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. Асарнинг тили енгил, осон ўқилади. Ҳикоя китобхонни маърифатли боболаримизга муносиб издош бўлишга ундаши билан китобхон қалбидан муқим жой олгусидир.

Бошқача айтганда, ҳикоя бугунги кунларимизнинг қадрига етишга, мустақиллик тухфа этган тинчликка шукrona айтиб яшашга чорлаши билан аҳамиятлидир.

## REFERENCES

1. А.Чўлпон. Адабиёт надур(Адабий-танқидий мақолалар, Чўлпон ҳақида хотиралар).- Ташкент:-Чўлпон нашриёти, 1994 йил, 6-Бет
2. Uztext.uz Sherali Jo'rayev/Anda jonim qoldi mening matni.29 dekabr.2023 yil.
3. Хуршид Дўстмуҳаммад.Миркомилбойнинг қазо бўлган намози.-
4. Ziyoruz.uz, 2012 йил, 10 июль
5. <https://ziyouz.uz/hikmatlar/aforizmlar/jahon-adiblari-adabiyot-haqida/>
6. <https://kh-davron.uz/kutubxona/uzbek/xurshid-dostmuhammad-qazo-namoz.html>